



БАҲОР – ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, БУНЁДКОРЛИК АЙЁМИ

Шу маънода, ҳар йили баҳорда нафақат табиат, балки ҳаётимиз ҳам янгилангандай бўлади. Халқимиз ўз яратувчанлик салоҳиятини ҳовлисига кўчат экишдан бошлаб, гўзал боғ-роғлар яратиш, улугвор иморатларни

бунёд этиш билан намоён этади. Бундай эзгу ишлар аслида аж-додлардан бизга мерос бўлиб, истиқлол йилларида янги маъно-мазмун билан бойиди. Бугун ҳар бир юрдошимиз қилаётган хайрли амали нафақат ўзи, бал-

ки оиласи, элу юрт учун, унинг ёруғ истиқболига хизмат қила-жagini чуқур англайди. Шунинг учун ҳам халқимизнинг ҳар қада-ми ҳалол меҳнат, савоб ишлар билан ошуфта.

(Давоми тўртинчи бетда)

Юртимизга биз орзиқиб кутган, соғинган БАҲОР фасли кириб келмоқда. Бу фасл яшариш, янгиланиш ва бунёдкорликни бошлаб бериши билан ҳам ҳаётимизда алоҳида ўрин тутаяди. Баҳор келши билан табиатда буюк уйғониш содир бўлади, дов-дарахтлар, гулу чечаклар куртак ёзиб, барқ уриб гуллайди, баайни ҳар бир инсон қалбига шунга монанд орзу-умидлар уйғонади. Энг муҳими, уларни рўёбга чиқаришга ўзимизда катта иштиёқ, куч-райрат сезамиз.



Одил судловнинг муҳим омили

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб суд ҳокимиятини мустақамлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу, аввало, суд тизимининг қонунчилик асосларини такомиллаштиришда ўз аксини топди.

Жумладан, 2000 йил 14 декабрда "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилиниб, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Яъни судлар ижро ҳокимияти тизимидан чиқарилиб, судьялик лавозимига номзодлар танлаш тамойили янгиланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ташкил қилинди.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун талаблари асосида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника

жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолияти йўлга қўйилди. Шу билан бирга, ушбу Қонунда Департамент томонидан ижро этиладиган ҳужжатлар рўйхати, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар, суд ижрочиси мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбурияти, ижро иши юритишни кўзга тутиш, тўхтатиш, тугатиш ва тамомлаш асоси, ундирувни қарздор мол-мулкига қаратиш тартиби, ундирув қаратилган мол-мулкни хатлаш, сақлаш, баҳолаш, реализация қилиш, чет эл суди ҳамда арбитражлари қарорларини ижро этиш ва ижро этмаганлик учун жавобгарлик масалалари ҳам қамраб олинган.

(Давоми иккинчи бетда)

Islahot va samara

Юксак ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий давлат асоси

Мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти сифатида белгиланган. Зеро, ҳуқуқий маданият юксак жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳам, уларнинг амалдаги ижросини жамоатчилик томонидан назорат қилиш ҳам самарали бўлади.

Шу боис ҳам юртимизда мустақилликнинг илк йилларида қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим жараёнда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

Мезон ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим жараёнда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Суд тизимида замонавий ахборот технологиялари

Ўзбекистон Республикаси Олий судида фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг самараси ҳамда бу борадаги ишларни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда Ва-

зирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори судлар фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

— Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишдан кўзланган мақсад фуқаролик ишларини судларда қўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, суд хабарномаларини ва ҳужжатлари-



ни тарафларга етказиш механизмларини такомиллаштиришдир, - дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Холмўмин Ёдгоров. - Бу, ўз навба-

тида, суд фаолияти ҳақидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириб, фуқаролик судловининг сифатини оширади.

(Давоми иккинчи бетда)

Amaliyot

Инсон ҳуқуқларини кафолатли ҳимоялаш йўлида

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланиш ва ўзгаришлар, моҳият-этибори билан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Бу борада суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатчилигини таъминлашга қаратилган кассация инстанциясининг ислоҳ қилингани ва апелляция ҳамда назорат тартибининг жорий этилгани алоҳида аҳамиятга молик.

Айтиш кераки, Жиноят-процессуал кодексининг 510-моддасига мувофиқ, апелляция

ция ёки кассация тартибинда қўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан ушбу кодекснинг 498-моддасида кўрсатилган шахслар, яъни маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили шикоят беришга ҳақлидирлар.

(Давоми иккинчи бетда)

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар муваффақияти тадбиркорлик фаолиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани билан бевосита боғлиқдир. Чунки бу соҳа ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий ўрин туттиши билан бирга аҳоли баъдчилиги ва фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланган.

Шу боис мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг эркин фаолият юритишига кенг шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган даврида бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини кафолатлайдиган қонунчилик базаси яратилди. Шу асосда бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko'magi

Тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари

амалда самарали таъминланмоқда



Мамлакатимизда изчилик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири — тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Qonun ijodkorligi

Ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқий ҳимояси

янги қонун билан янада такомиллаштирилмоқда

Ушбу мақсад йўлида соҳа вакилларига қатор қулайликлар яратилди. Жумладан, уларни рўйхатга олиш тизими соддалаштирилиб,

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар сони кескин қисқартирилди.

(Давоми учинчи бетда)

